

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **43-44-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(179-180)**
ТЎПЛАМИ **2005 й.**
октябрь-
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

328. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ–213-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

329. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги 170-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 октябрдаги 236-сон қарори

330. «Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 октябрдаги 237-сон қарори

331. «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори

332. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 ноябрдаги 243-сон қарори

Бешинчи бўлим

333. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 октябрдаги 99, 2005-58-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 октябрда 1098-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
334. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
335. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 октябрда 1455-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
336. «Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 7 октябрдаги 21/9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 ноябрда 1151-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 22 октябрдан 6 ноябргача бўлган маълумот

Тузатиш

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

328 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ҳарбий хизматнинг ёшлар учун мустаҳкам ҳаётий принциплар, юксак ватанпарварлик фазилатлари шаклландирган жисмоний ва маънавий чиниқиш мактаби эканлигини;

фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи самарадорлигини оширишнинг моддий, ахлоқий ва маънавий рағбатлантиришни янада кучайтириш зарурлигини ҳисобга олиб;

ҳарбий хизматни тугатаётган ёшларни рағбатлантиришнинг аҳамиятини, уларнинг ўқишни давом эттириши ва мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратишни эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпландирган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорга биноан белгиланган имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг истисносиз барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилади;

ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синови) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аби-турientлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида «Камолот» ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгашига (Б. Убайдуллаев), Молия вазирлиги (С. Раҳимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Қосимов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Мудофаа вазирлиги (К. Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов):

жанговор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижалар кўрсатган, намунали ҳарбий интизомга эга муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мамлакат олий ўқув муассасаларига ўқишга кириш учун бериладиган тавсияномалар сонини кўпайтириш чораларини кўрсин;

Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев) билан ҳамкорликда бир ой муддатда жанговор гуруҳлар, взводлар, батальон ва бригадалар командирларининг қабул қилаётган қарорлари ҳолислиги учун шахсий жавобгарлигини эътиборга олган ҳолда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

ҳарбий қисм қўмондонлигининг муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатишган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув муассасаларига имтиёзли шартлар асосида ўқишга кириши учун тавсиянома бланкасининг ягона шаклини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Давлат тест маркази (Б. Исмоилов) билан биргаликда уч ой муддатда Қуролли Кучлар қўшинлари турларининг жанговор-хизмат вазифалари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастурини ўзлаштиришини яқуний баҳолаш учун тестлар ишлаб чиқсин; тест натижалари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар беришда ҳисобга олинсин.

Белгилансинки, 2005 йилнинг декабригача Қуролли Кучлар захирасига бўшатишган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг эски намунадаги тавсияномасига эга фуқаролар мамлакат олий ўқув юртларига киришда ушбу қарорда белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

4. Қуролли Кучлар Бирлашган штабига (В. Маҳмудов), Ички ишлар вазирлигига (З. Алматов), Миллий хавфсизлик хизматига (Р. Иноятов):

Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров), Давлат тест маркази (Б. Исмоилов), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чақирув комиссиялари раҳбарлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фуқароларни тест синовини ва танлов асосида саралаш бўйича мавжуд тизимни чуқур таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича амалий чоралар кўриш, шунинг билан биргаликда чақирилувчиларнинг соғлиги ва интеллектуал савиясини холис ўрганишга қаратилган замонавий компьютер технологияларини қўллаш;

бир ҳафта ичида муддатли ҳарбий хизматга янги чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги дастурини ўрганиб чиқиш; ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ва дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бунда ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилсин;

ҳарбий округлар қўмондонлари билан биргаликда ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни самарали тарзда касбга йўналтириш, хизматни ўташ даврида ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини эгаллашларига, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган зарур ташкилий-техник шарт-шароитларни яратиш.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (Р. Қосимов), Давлат тест марказига (Б. Исмоилов):

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини ташкил этиш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида армияда хизмат қилган абитуриентлар учун бепул асосда фаолият юри-тадиган тайёрлов курслари тармоғини кенгайтиришни кўзда тутиш;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Орипов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (В. Маҳмудов) билан биргаликда «ZiyoNET» ёшлар маърифий тармоғида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни мамлакатимизнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун масофали касбга йўналтириш, ўқитиш ва услубий тайёрлашга йўналтирилган мақсадли ахборот ресурсини яратиш; белгиланган тартибда унга ҳарбий қисмлар ва бирлашмалар компьютер синфларининг уланишини таъминлаш;

2006 йилнинг 1 апрелигача олий ўқув юртлари тайёрлов курслари ва ҳарбий қисмлар кутубхоналарини ўқишга кириш учун зарур бўлган услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 496-сонли қарорининг 3-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 227-сонли қарорининг 3-банди 1-хатбошиси.

7. Мудофаа вазирлиги (Қ. Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов), Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев) билан биргаликда бир ой ичида мазкур қарордаги талабларни эътиборга олган ҳолда белгиланган тартибда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С. Раҳимов) Давлат тест маркази ва олий ўқув юртлари сметасида тест синовларини ўтказиш ва олий таълим муассасалари ҳамда ҳарбий қисмлардаги тайёрлов курсларида машғулотлар ўтказишга жалб этиладиган ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини кўзда тутсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби Р. Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 октябрь,
ПҚ-213-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

329 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги 170-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 августдаги ПҚ-158-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги 170-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 октябрь,
236-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 25 октябрдаги 236-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги 170-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банд «а» кичик бандининг учинчи—бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 15%;

5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 25%;

10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 30%».

2. 1-иловадаги 34-банд «б» кичик бандининг иккинчи—тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 15%;

5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 25%;

10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 30%».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

330 Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ-3659-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Бошланғич разряднинг энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган тариф ставкаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловага мувофиқ тасдиқлансин».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 октябрь,
237-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

331 Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

хўжалик юритувчи субъектларга мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномалари уларнинг амал қилиш муддати тугагунгача амал қилади;

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги рухсатнома гувоҳномалари хўжалик юритувчи субъектнинг тақдим этилган аризаси ҳамда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаси асосида қўшимча йиғимларсиз улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

лицензиясига қайта расмийлаштирилиши мумкин. Қайта расмийлаштириш муддати икки иш кунидан кўп бўлмаслиги керак;

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар белгиланган тартибда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясини оладилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2006 йил 1 январгача улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензияси бланкаларини тайёрлаш ва уларни бериш ишлари ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаларининг амал қилиш муддати 2005 йил 21 сентябрдан кейин тугаган хўжалик юритувчи субъектларга 21 сентябрдан 2006 йил 1 январгача бўлган даврда, уларга нисбатан фаолиятни лицензиясиз амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилмасдан, улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 ноябрь,
242-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарорига
ИЛОВА

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа лицензиялар асосида товарларнинг айрим турлари билан улгуржи савдо қилувчи юридик шахсларнинг улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясини олишлари талаб этилмайди.

2. Улгуржи савдони амалга ошириш фаолияти лицензияланиши керак.

Тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади.

3. Улгуржи савдо фаолияти билан фақат юридик шахслар шуғулланишлари мумкин.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш юридик шахс-лицензия талабгори

рўйхатдан ўтказилган жойдаги шаҳар (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб аталади) томонидан амалга оширилади.

6. Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридида йиғим ундирилади. Лицензия бериш юзасидан ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

7. Лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридида давлат божи ундирилади. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

8. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чекланмаган муддатга берилади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

9. Қўйидагилар улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдоридида, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдоридида пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши;

мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисида ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдоридида устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, шу жумладан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдоридида пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;

г) лицензия бериш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

13. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар лицензияловчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар

қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

14. Хужжатларни кўриб чиқиш ва улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза ва лицензия олиш учун барча зарур хужжатлар тушган кундан бошлаб икки иш кунини ташкил этади.

15. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш куни мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия бериш ҳақида қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

16. Лицензия битими лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

17. Лицензиялар лицензияловчи орган томонидан мазкур Низомга илова қилинган шакл бўйича бланкаларда расмийлаштирилади ва шаҳар (туман) ҳокими ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

18. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилган кунда лицензия битими тузилади ва лицензия берилади.

19. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

20. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия беришни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

21. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

22. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш

23. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгаргандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензияловчи органга мурожаат қилиши шарт.

24. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

25. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия қайта расмийлаштирилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати олиш учун лицензиат лицензияловчи органга юридик шахсининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ва лицензия дубликати берилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолда дубликат бериш тўғрисида ариза беради.

Лицензия дубликати беришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия дубликати берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш йўли билан тегишли назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Тегишли назорат қилувчи органлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраши ва олишлари мумкин.

Текширишлар натижалари асосида текшириш далолатномаси тузилади. Бузилишлар аниқланган тақдирда, текшириш далолатномасида лицензия талаблари ва шартлари бузилишларининг аниқ ҳолатлари кўрсатилади.

Текшириш далолатномаси нусхаси лицензияловчи органга юборилади, лицензияловчи орган лицензия талаблари ва шартлари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарор чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди.

28. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси назорат қилувчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

29. Лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

VIII. Лицензиялар реестри

31. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

32. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар ҳақидаги асосий маълумотлар, у қуйидагиларни ўз ичига олади: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар (рўйхатга олиш санаси, берилган санаси ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тартиб рақами), почта манзили, ва, мавжуд бўлган тақдирда, телефон, факс рақами, электрон почта манзили;

- б) фаолиятнинг лицензияланадиган тури;
- в) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;
- г) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
- д) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
- е) лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач аниқ лицензиатлар тўғрисидаги реестрдан кўчирма шаклида уч кун муддатда берилади.

34. Лицензиялар реестридан бир лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

35. Реестрдан маълумот берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби
Ўзбекистон Республикаси

ҲОКИМЛИГИ

ЛИЦЕНЗИЯ
АА № 000

Мазкур лицензия билан _____ га
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)

(фаолиятнинг рухсат берилган тури)

_____ ни амалга оширишга рухсат берилади.
Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): _____

Солиқ тўловчи-лицензия эгасининг идентификация рақами _____

Лицензия берилган сана _____

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Реестр бўйича тартиб рақами _____

Ваколатли шахс:

(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMАСININГ ҚАРОРИ

332 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Прокуратура органларининг меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот тизимида ягона тартибни жорий этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги валюта ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

а) 38-банди иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларнинг лавозим маошлари, даража унвонлари ва кўп йиллик хизматлари учун устамалар прокуратура ходимлари учун белгиланган тартибда ва миқдорда ўрнатилади»;

б) 42-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Департамент ходимларининг ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўзининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 ноябрь,
243-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДAVЛAT COЛИҚ ҚЎМИTACИНИНГ
ҚАРОРИ

333 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
25 октябрда 1098-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 4 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сонлар, 168-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 6 ва 2002-10-сонли қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1098 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 5-сон 62-модда; 2004 й., 26-сон, 305-модда; 2005й., 5-6-сон, 42-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 октябрь,
99-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 октябрь,
2005-58-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**334** Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
26 октябрда 1518-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 5 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома (янги таҳрирда) иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарорнинг амалга киритилган кундан бошлаб, Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома» (янги таҳрирда)ни тасдиқлаш тўғрисида қарори ва унга киритилган 2002 йил 24 августдаги 6-1-сонли 1-қўшимча, 2003 йил 1 мартдаги 6-2-сонли 2-қўшимча, 2003 йил 27 декабрдаги 6-3-сонли 3-қўшимча ва 2004 йил 2 октябрдаги 6-4-сонли 4-қўшимча ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, ўн кундан кейин амалга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 20 август,
18/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

335 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 октябрда 1455-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 ноябрдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддасига асосан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2005 йил 10 март, рўйхат рақами 1455-сон) ўзгартиришлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан 10 кун ўтгандан сўнг, кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 октябрь,
21/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2005 йил 7 октябрдаги 21/5-сонли
қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат
банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош
бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари
ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган
номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар**

1. Низомнинг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқликни аниқлаш (кейинги матнларда «касбга мувофиқликни аниқлаш» деб юритилади) — банк иши ва амалиёти, шунингдек кредит уюшмаларининг фаолиятини юритишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш учун юқори малака ва салоҳиятга ҳамда бенуқсон ишбилармонлик ва жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлган мутахассисларни танлаш усулидир.»

2. Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);»

3. Низомнинг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Банк ёки филиал раҳбарлари бир банк таркибида бошқа филиалга ёки умуман бошқа банкка тенг лавозимларга, бир кредит уюшмаси ижро органи раҳбари бошқа кредит уюшмаси ижро органи раҳбарлигига ўтказилганида уларнинг касбга мувофиқлиги Комиссия томонидан қайта кўриб чиқилади.»

4. Низомнинг 7-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма 3 иш куни муддат ичида Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига етказилиши ҳамда ушбу ўринларга тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари тижорат банклари томонидан 1-иловага, кредит уюшмалари томонидан 2-иловага мувофиқ 15 кун муддат ичида Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.»

5. Низомнинг 11-банди биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тижорат банклари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк тизимида етарли иш тажрибасига ва охириги иш жойидан тавсияга, кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар эса олий маълумотга, банк ёки молия соҳасида етарли иш тажрибасига, ишбилармонликдаги бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши лозим.

6. Низомнинг 18-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Тижорат банклари ва кредит уюшмаларидаги Марказий банк номенклатурасига кирадиган лавозимларга тавсия этилаётган номзодларнинг ҳисоб-тавсифлов

ҳужжатлари дастлаб тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан кўриб чиқилиб, сўнг Комиссияга тақдим этилади. Комиссия тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан тақдим этилган номзодларнинг ҳисоб-тавсифлов ҳужжатларини ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда, 10 кун муддатда ўрганиб чиқади ва номзоднинг лавозимга мувофиқлигини аниқлаш масаласини ўзининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади.»

7. Низомнинг 19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Тавсия этилаётган номзоднинг лавозимга мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат ва (ёки) тест синови орқали аниқланади. Суҳбат ва (ёки) тест натижаларига кўра номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарордан кўчирма тижорат банклари ва кредит уюшмаларига юборилади.»

8. Низомнинг 22-бандини «в»-кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Низомнинг 1-иловасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатининг тўртинчи хатбошисидан «ёки техникумда» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Низомнинг 2-иловасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатининг тўртинчи хатбошисидан «ёки техникумда» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

336 Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 ноябрда 1151-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 17-моддалари ҳамда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2002 йил 21 июнь, рўйхат рақами 1151) низомга ўзгартириш иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 октябрь,
21/9-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 22 октябрдан 6 ноябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 октябрдаги 99, 2005-58-сон қарори.*

2005 йил 26 октябрда 1098-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 5 ноябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1-сон қарори (янги таҳрирда).*

2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 5 ноябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 7 октябрдаги 21/5-сонли қарори.*

2005 йил 28 октябрда 1455-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 ноябрдан кучга киради).

4. «Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 7 октябрдаги 21/9-сон қарори.*

2005 йил 6 ноябрда 1151-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома ва 1, 2, 3, 4-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон*

Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2002 йил 8 июль, рўйхат рақами 1156; 2002 йил 24 август, рўйхат рақами 1156-1; 2003 йил 1 март, рўйхат рақами 1156-2; 2003 йил 27 декабрь, рўйхат рақами 1156-3; 2004 йил 2 октябрь, рўйхат рақами 1156-4).

Адлия вазирининг 2005 йил 26 октябрдаги 160-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Электр энергетика ускуналарига хизмат кўрсатишда юз берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланганларга шифокордан олдинги ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг қарори.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Тузатиш

«Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига солиқни ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори (2005 йил 11 октябрь, рўйхат рақами 1092-2 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 41-42-сон, 321-модда) матнидаги «суюлтирилган» сўзи чиқариб ташлансин.

